# Илмий-амалий конференция

2018 йил 30 март куни Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг мажлислар залида “XXI аср – интеллектуал ёшлар асри” мавзусидаги Республика микёсидаги илмий-амалий конференция бўлиб ўтди.

**Мазкур конференция ташкилотчилари:** Ўзбекистон Республикаси фанлар академияси, Ўзбекистон Республикаси фанлар академияси Ёш олимлар кенгаши, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси фанлар академияси Бирлашган касаба уюшма қўмитаси.

**Конференция икки босқичда бўлиб ўтди.** Биринчи босқич очилиш ва пленар (умумий) йиғилишдан иборат булди. Иккинчи босқичда илмий маърузалар тингланади ҳамда қуйидаги учта шўъбаларда “Физика-математика ва техника фанларининг долзарб муаммолари”, “Табиий фанларнинг долзарб муаммолари”, “Ижтимоий-гуманитар фанларнинг долзарб муаммолари” ҳақида мунозаралар ўтказилди ва ёш олимларнинг илмий ахборотлари тингланади.

**Конференциянинг мақсади.**

Муҳтарам Президентимиз Шавкат Миромонович Мирзиёев ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2016-2018 йиллар мобайнида Ўзбекистон ёшлари хусусан, ёш олимларнинг илмий фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантирилишига қаратилган қатор меъёрий ҳужжатларининг Фанлар академиясидаги ижросини таъминлаш.

**Анжуман ниҳоясида** ишчи гуруҳга келиб тушган материаллар ва маърузалар танланиб ёш олимлар “Энг яхши мақола”, “Энг яхши маъруза”, “Энг яхши инновацион ғоя” номинациялар бўйича диплом ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирландилар.